



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати
Фарзанди
ўқиши учун
шартнома пулини
тўлаётган
ота-она бу маблаг
самарасини,
аввало,
фарзандидан
сўраши керак

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 10-oktyabr, shanba, 114 (23.394)-son

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВОҚЕАЛАР ЮЗАСИДАН ҚЎШМА БАЁНОТИ

Қардош Қирғизистонда содир бўлаётган воқеалар бизни жиддий ташвишга солмоқда.

Кўп асрлик дўстлик ришталари, яхши қўшничилик, умумий маданий ва маънавий қадриятлар билан боғланган яқин қўшнилар сифатида биз ушбу қийин кунларда Қирғизистон халқини мамлакатда тинчликни сақлаш ва барқарорликни тиклаш учун ўзига хос доноликни намойиш этишга чақирамиз.

Қирғизистоннинг барча сиёсий партиялари ва жамоатчилик доиралари тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, Конституция ва миллий қонунчиликка сўзсиз риоя қилиш билан юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган саъй-ҳаракатларни амалга оширишига умид билдирамиз.

Қирғизистоннинг равнақи минтақавий хавфсизлик ва бутун Марказий Осиё барқарор ривож-

ланишининг муҳим омилidir.

Мамлакатларимизнинг ўтмиши бир, улар умумий келажакни барпо этмоқда. Марказий Осиё халқларини тарихий жиҳатдан келажакдаги авлодлар фаровонлиги учун барқарор тинчлик, тотувлик ва бунёдкорлик истаги бирлаштиради.

Муштарак мақсадларга интилган ҳолда, давлатларимиз савдо-иқтисодий, инвестициявий, транс-

порт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни, чегараолди ва ҳудудлараро шерикликни кенгайтириш учун минтақавий ҳамкорликни фаол равишда мустақкамламоқда.

Марказий Осиё бирдамлигини янада мустақкамлаш йўлидан борар эканмиз, биз Қирғизистон халқини унинг ҳамжиҳатлик, тинч, мустақил тараққиёт ва фаровонлик борасидаги интилишида доимо қўллаб-қувватлаймиз.

Бугуннинг гапи

Бугунги кунда жамиятимизда нега фирибгарлик кўпайди? Бунинг сабаби қонунларимиздаги бўшлиқларми, тизимдаги камчиликми ёки аҳолининг соддалиги, яъни ҳуқуқий савиянинг пастлиги? Умуман, бу барҳам топиши мумкин бўлган иллатми?

Огоҳ бўлинг, фирибгар!

Ижтимоий тармоқларда бу саволлар қизгин муҳокама этиляпти. Чунки мамлакатдаги жиноятларнинг ярми фирибгарлик билан боғлиқ экани ҳақида расмий маълумот эълон қилинган, ҳамма ташвишга тушиб қолди. Тўғриси, ташвишланишга асос бор. Қолаверса, айтилаётган асос турли фикрларга ҳам эътироз билдириб бўлмайди. Нега? Ҳолатга сал яқинроқ назар ташлайлик. Фирибгарлик бугун пайдо бўлгани йўқ, инсон туғилганидан бошлаб унга шайтон шаклида ҳамроҳ бўлади. Бой, ривожланган, маданиятли ёки қоқ ва ривожланмаётган давлатларда ҳам фирибгарлар бор. Эҳтимол, бундан кейин ҳам бўлади.

Фирибгар луғатларда алдамчи, найрангбоз, макр қилувчи, ҳийлагар тарзида ифодаланади. Ҳийлагарлик тасодифий ҳолат эмас, бундайлар ҳар бир ҳийлани ўйлаб, пухта амалга оширади. Макр йўли билан бировнинг мулкани қўлга киритишга ёки шум мақсадига эришишга интилади.

Фирибгарлик гарчи икки киши ўртасида бўлса-да, жамият учун хавфли. Чунки у одамлардаги ишонч туйғусини йўқотади, аламзадалиқни келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳаёлига фирибгарлик келадиган шахсларга Абдурауф Фитратнинг куйидаги сўзини эслатмоқчиман: "Диёнат ва номус бир оиланинг саодати ва интизоми учунгина эмас, балки бир мамлакатнинг саодати ва барқарорлиги учун ҳам зарур ва лозимдир".

Эсингиздами, совет даврида уй алмашишда фирибгарлик авж олганди. Гўё бир киши (одатда улар бошқа миллат вакили бўларди) чет давлатга «кўчарди», ўша давлатдан бу ерга бошқа одам «кўчиб келди». Аслида уй-жой идораси ходими пул эвазига кимгадир квартира олиб беради. Бундай ўйинлар ўзимиздаги шахар ва туман марказлари ўртасида ҳам амалга ошириларди. Ёки ёлғондан пропискага қўйиш орқали уй олиб бериш ҳийласини эсланг.

Сал кейинроқ қизлар ўзидан 30-40 ёш катта эркак билан никоҳдан ўтиб, чет элга чиқишни ўйлаб топиди. Яъни, «эр-хотин» бирга хоризга чиқади ва...

бобой тушмагур ваъда қилинган пулни олиб, шу аэропортдан яна ортага қайтади. Ўғлини четдаги хусусий олийгоҳга қўйиб, кейин унинг номидан ўзимизда хорижий корхона, кўшма корхона очганлар қанча. Хорижий инвестиция дегани, ўзимизнинг маблаг бўлиб қиличи.

Қишлоқ фуқаролар йиғини тугатилганига қанча бўлди? Бу майли-ку, совет давридаги қишлоқ совети қарори билан яқин-яқингача фуқароларга уй-жой расмийлаштирилганларини кўрдик. Гап шундаки, ҳуқуқий кучга эга бўлмаган ўша қарорларга ўнлаб янги фамилиялар тиркалди, ваҳоланки улар бутунлай бошқа туманларда яшаган.

Кўп ўтмай молиявий пирамидалар эгалари деган киши қанчалаб пулдорларни (бечораларни эмас) кўз ўнгимизда чув туширди. Ночорларга молиявий саховат кўрсатилганда муруват пулини интернет орқали ўғирлайдиганлар, пластик карталардан пулни билдирмасдан ечиб оладиганлар пайдо бўлди. Ўзини ўт ўчирши хизмати ходими, газ, электр идораси назоратчисиман, деб одамлардан пул йиғиб кетганларни айтиб ўтирмайсак ҳам бўлади. Машина олиб берман, ўқишга киритаман, четга ишга юбораман, деб содда одамларнинг пулини олиб бермай юрганлар бор. Демокриманки, фирибгар учун замон ва шароитнинг аҳамияти йўқ, у ҳар қандай вазиятда ўз ҳийласига йўл топади.

Ҳўш, унда бу тоифа кишилардан қандай сақланиш мумкин? Тўғри, давлат барча соҳаларда тартиб-интизом ўрнатяпти. Бюрократик тўсиқлар барҳам топаяпти, инсон омили камаймоқда. Шу боис фирибгарлар асосий ҳийласини одамлар ўртасига «кўчирапти». Ҳатто қилмиши учун жазоланган фирибгарлар ҳам яна шу жиноятга қўл уряпти. Уларнинг аксарияти бегона эмас, ёнимизда юрган кишилар. Шундай экан, бунинг йўли битта, ўзаро муносабатларда ҳушёрликни унутмайлик, етти ўлчаб бир кесайлик, ҳуқуқий билимимизни ошириб бораёлик.

Фармон ТОШЕВ.

Ургутдаги кўп қаватли уйларга табиий газ берилмаяпти



Ургут туманида мавжуд 40 та кўп қаватли уйдан 11 таси янги қурилган, 29 тасининг айримлари таъмирга муҳтож.

– Кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига "Зухро Санам" ва "Боғишамол уй-жой коммунал" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан хизмат кўрсатилади, – дейди туман ҳокимлиги

бош мутахассиси Нодир Шодиев. – Ширкатлар томонидан баъзи уйларнинг том, кириш йўлаклари ва фасад қисмлари таъмирдан чиқарилиб, тунги ёриткичлар ўрнатилди. Аммо бир неча йилдан буён 29 та кўп қаватли уйларга табиий газ етказилмаяпти. Бу муаммони ҳал этиш бўйича вилоят ҳокимининг туманимизда ўтказган сайёр қабулида "Ҳудудга Самарқанд" газ таъминоти филиалига топшириқ берилди. Яъни бу йил табиий

«Зарафшон» бонг уради

газ берилиши чораси кўрилмоқда.

Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси олтидан кўп қаватли уйларга икки километр масофада оқова тармоғи тортилиб, марказий тармоққа уланди.

Кўп қаватли уйда яшовчилар қишда кўмир ёқади

Навбоғ маҳалласидаги кўп қаватли уйларда бўлганимизда хонадонларга табиий газ берилмаганига гувоҳ бўлдик. Уйларнинг фасади ва томи сифатсиз таъмирлангани учун ёмғир суви тарновдан эмас уланган жойларидан оқар экан.

– Табиий газ берилгани учун электр ускуналари ва газ баллонлардан фойдаланиб келяпмиз, – дейди 11-уйда яшовчи Ҳабиба Шаропова. – Қишда уйни иситиш учун қўлбола печдан фойдаланамиз. Шунинг учун ертўлада кўмир ва ўтин захирасини ғамладик. Ертўла зах, ичимлик суви қувури ёрилгани учун сув оқяпти, ёмғир суви ҳам шу ерга тушади. Бундай ҳолатда ўтин ва намиқиб яхши ёнамайди.

Шу манзилдаги 9 "А", 11-ва 13-уйлар дераза ромлари ва деворларидан мўриконлар чиқарилган. Ертўла эса чиқинди билан тўлган, баъзиларига кириш эшиги ҳам ўрнатилмаган. 9-уйнинг орқа фасад қисми ачинарли аҳволда, болалар майдончаси қаровсиз.

2-саҳифа >>>

Ахборот хизматлари хабар беришича

Нуробод тумани тоғлари орасида жойлашган Олтиўғил қишлоғида тиббиёт пункти ташкил этилиб, аҳолига биринчи тиббий ёрдан кўрсатилишида учраётган муаммоларга барҳам берилди.

Нарпай тумани ҳокими Ботир Жабборов Ўзбекистон маҳалласида яшовчи ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммо ва таклифларини эшитди.

Оқдарё туманидаги Бобур ҳамда Янгиобод маҳаллаларида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ўтказилган ўқув машғулотига баҳонасида 3 километр йўлга шағал ётқизилди.

Паст Дарғом туманининг Шомбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 39-, Истикбол маҳалласидаги 41-, Тозқултон маҳалласидаги 61-мактабгача таълим ташкилоти учун 8 миллиард 602 миллион сўм маблаг ҳисобига бугунги кун талабларига жавоб берадиган, замонавий боғчалар бунёд этилди.

Ургут тумани ўрамас маҳалласида 6 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқтаси ҳамда битта тикувчилик цехидан иборат "Ёшлар меҳнат гузари" фойдаланишига топширилиб, 25 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.



Зиддиятли вазиятларда

журналист қандай йўл тутиши керак?

Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Самарқанд шаҳрида "Зиддиятли вазиятларда журналистика" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Европа Иттифоқининг "ОАВнинг жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги роли" лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган тадбирда журналистлар, ҳокимлик ва корхона-ташкilotларнинг ахборот хизмати ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Уч кун давом этган семинар-тренингда журналистларни қайта тайёрлаш маркази мутахассислари Наргис Қосимова ва Мухайё Саидова, Самарқанд шаҳридаги «Лохутий» жоме масжиди имом хатиби Ўткир Умиркулов, вилоят ИИБ терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси ходими Шоҳислом Набиевнинг мавзу доирасидаги маърузалари тингиланди.

– Тренингни ўтказишдан мақсад дунёда содир бўлаётган турли нозоларга қарши журналист ва блогерларнинг соғлом позициясини шакллантириш, – дейди тренер Наргис Қосимова. – Хусусан, тренинг давомида терроризм, зўра-вонлик ва диний экстремизмнинг кучайиши оқибатида юзага келадиган зиддиятли ҳолатларда журналистларнинг фаолияти, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси, зиддиятли ахборот ва унинг шакллари, интернет ОАВда уларни ёритиш, гуманитар ахборотни тарқатишда ОАВнинг роли, ёлғон ахборотни текшириш усуллари каби масалалар интерактив тарзда тушунтирилди.

Раъно ЯХШИЛИКОВА.

«Супер контракт»

Тўлов-контрактнинг минимал миқдорлари оширилмайди

Шу йил 8 октябр куни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлис баёни қарорига кўра:

Олий таълим муассасалари бакалавриатига қабул бўйича давлат грантининг минимал ўтиш бали – 68,0 балл, тўлов-контрактники 56,7 балл этиб белгиланди.

2020-2021 ўқув йили учун оширилган (ўтиш чизигига 4 баллгача етмаган) ҳамда табақалаштирилган (56,7 баллдан кам «супер контракт») тўлов-контракт миқдорлари ўқув йилининг биринчи ярми учун камида 50 фоизи 2020 йилнинг 1 декабридан, иккинчи ярми учун 2021 йилнинг 1 мартдан кечиктирмай тўлаши керак.

Олий таълим муассасалари бакалавриатига тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов ҳақини ўтказиш ҳамда талабалар сафига қабул қилишни расмийлаштиришнинг охириг мuddати 2020 йил 1 ноябрь этиб белгиланди.

Талабалikka тавсия этилган бакалавриат абитуриентларига рўйхатдан ўтиш мобайнида танланган иккинчи, учинчи, тўртинчи ёки бешинчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича табақалаштирилган («супер контракт») тўлов-контракт асосида ўқишга рухсат берилди. Бунда абитуриентнинг тест синовлари натижаларига кўра, тўллаган баллари қатъий кетма-кетлигига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Бакалавриатда иккинчи-бешинчи таълим йўналишларидан бири бўйича давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этилган абитуриентларга ўз хоҳишларига кўра устуворлиги бўйича танланган биринчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича табақалаштирилган («супер контракт») тўлов-контракт асосида ўқишга рухсат берилди. Бунда ҳам абитуриентнинг тест синовлари натижаларига кўра, тўллаган баллари қатъий кетма-кетлигига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

2020-2021 ўқув йили қабули учун истисно тариқасида олий таълим муассасалари томонидан табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорлари Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган табақалаштирилган («супер контракт») тўлов-контрактнинг минимал миқдорларидан оширилмайди. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтган ОТМлар бундан мустасно. Яъни, мазкур ОТМлар супер контракт миқдорини ошириш ҳуқуқига эга. Булар: УрДУ, СамДЧТИ, СамИСИ, ТДЮ, ТДИУ, ТМИ, ТДШУ, ТошФарми, ЎзДЖТУ, ТТМИ – хозирги Транспорт университети.

Ургутдаги кўп қаватли уйларга табиий газ берилмаяпти



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Худуддаги мавжуд ҳолат билан танишганимизни эшитиб, биз яшаётган уйнинг аҳолини кўринглар, газ ҳам ичимлик суви ҳам йўқ, дея бизни уйи томон бошлади онахон.

– Мана ўн йилдирки, ичимлик суви муаммо, – дейди 19 “А”- уйда яшовчи Махбуба Камолова. – 32 та хонадонда яшовчилар уйимиз олдидаги корхонадаги қувурдан идишларга сув тўлдириб олмасак, бу ҳам қўриб қолади. Кўп йиллардан буён табиий газ йўқ. Қиш келгунча ҳамма ўтин, кўмир ғамлашга тушади. Бундан ташқари, уйимизнинг том қисми таъмири охирига етказилмагани учун юқори қаватларга сув ўтмапти. Бу ҳақда бир неча бор мута-саддиларга мурожаат қилдик, аммо натижа бўлмапти. Вилоят ҳокимининг ўтган ҳафта тумани-мизда ўтказган сайёр қабулида ҳам ушбу масалани айтдик, ҳал бўлишига умид қиляпмиз.

Боғишамол маҳалласидаги кўп қаватли уйларнинг фасад



қисми, кириш йўлакларини на-руганини кўрдик. 32-уй олдида болалар майдончаси йўқ. Уйнинг орқа томонидаги майдонни ўт босган, чиқинди ҳам бор. Уйларни таъмирлаш, атрофини ободон-лаштириш масалалари юзасидан “Зухро Санам” ҳамда “Боғишамол уй-жой коммунал” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раиси Нажмиддин Облоқулов билан

лади ҳамда хонадонларга улаш ишлари бажарилади.

МАКТАБЛАРГА КЎМИР БЕРИЛГАН, АММО...

Тумanning Мерганча маҳал-ласидаги 56-умумий ўрта таълим мактаби атрофининг қар-рийб 400 метрдан ортик қисми тўсиқ билан ўралмаган. Иси-

тиш қозонлари ва мўриконлар тозаланмаган, синовдан ҳам ўтказилмаган. Спорт майдон-часи атрофи ва “фаррошлар хонаси”да ҳам чиқинди бор.

Синфхоналарда ёриткичлар йўқ, борлари ҳам яроқсиз. Шодлик маҳалласидаги 86-умумий ўрта таълим мактаб директори Исмаилло Ража-бов кўмирга мослашган 3 та қозонхонани кўрсатиб, носоз-лигини айтди. Мактабдаги яна бир муаммо – спорт зали совуқ кунларда иситилмайди, бунинг учун алоҳида қозон ўрнатили-ши керак экан. Бу борада мута-саддиларга мурожаат қилинган. Аммо натижа йўқ.

Гулистон маҳалласидаги 1964 йилда қурилган 3-уму-мий ўрта таълим мактабидаги синфхоналар кўмир билан иситилмади. Ўқув жиҳозлари эскирган. Хоналардаги ёриткич чирокларнинг ўрни бор холос,

электр симлари очик ҳолат-да. Айрим хоналарнинг поли таъмирталаб. Мактабнинг 2018 йилда қурилган янги биносида шариот яхши.

Тоғ этагидидаги 55-умумий ўрта таълим мактабида айни пайтда 1-8-синф ўқувчилари карантин қоидаларига амал қилинган ҳолда ўқитилипти.

– Янги биномизда муаммо йўқ, лекин 1986 йилда қурил-ган эски бинодаги синфхоналар иситилмайди, – дейди мактаб директори Асри Ваҳобов. – Негаки, бинодаги 4 та эски печдан носозлиги учун фой-даланмаяпмиз. Янги иситиш тизимини ўрнатишга маблағ етмагани сабабли туман халқ таълими бўлимига мурожаат қилдик. Муаммо ҳал бўлишини кутиб турибмиз.

Биз мақолада кўрсатил-ган камчиликлар мутасаддил-лар томонидан тез кунларда бартараф этилишини кутиб қоламиз.

Хусан ЭЛТОВ, Фазаилдин РЎЗИБОВ, “Зарафшон”.

тиш қозонлари ва мўриконлар тозаланмаган, синовдан ҳам ўтказилмаган. Спорт майдон-часи атрофи ва “фаррошлар хонаси”да ҳам чиқинди бор.

Синфхоналарда ёриткичлар йўқ, борлари ҳам яроқсиз. Шодлик маҳалласидаги 86-умумий ўрта таълим мактаб директори Исмаилло Ража-бов кўмирга мослашган 3 та қозонхонани кўрсатиб, носоз-лигини айтди. Мактабдаги яна бир муаммо – спорт зали совуқ кунларда иситилмайди, бунинг учун алоҳида қозон ўрнатили-ши керак экан. Бу борада мута-саддиларга мурожаат қилинган. Аммо натижа йўқ.

Гулистон маҳалласидаги 1964 йилда қурилган 3-уму-мий ўрта таълим мактабидаги синфхоналар кўмир билан иситилмади. Ўқув жиҳозлари эскирган. Хоналардаги ёриткич чирокларнинг ўрни бор холос,

электр симлари очик ҳолат-да. Айрим хоналарнинг поли таъмирталаб. Мактабнинг 2018 йилда қурилган янги биносида шариот яхши.

Тоғ этагидидаги 55-умумий ўрта таълим мактабида айни пайтда 1-8-синф ўқувчилари карантин қоидаларига амал қилинган ҳолда ўқитилипти.

– Янги биномизда муаммо йўқ, лекин 1986 йилда қурил-ган эски бинодаги синфхоналар иситилмайди, – дейди мактаб директори Асри Ваҳобов. – Негаки, бинодаги 4 та эски печдан носозлиги учун фой-даланмаяпмиз. Янги иситиш тизимини ўрнатишга маблағ етмагани сабабли туман халқ таълими бўлимига мурожаат қилдик. Муаммо ҳал бўлишини кутиб турибмиз.

Биз мақолада кўрсатил-ган камчиликлар мутасаддил-лар томонидан тез кунларда бартараф этилишини кутиб қоламиз.

Хусан ЭЛТОВ, Фазаилдин РЎЗИБОВ, “Зарафшон”.

тиш қозонлари ва мўриконлар тозаланмаган, синовдан ҳам ўтказилмаган. Спорт майдон-часи атрофи ва “фаррошлар хонаси”да ҳам чиқинди бор.

Бугунги кунда Жомбой ту-манида 56 та умумий ўрта таълим мактаби фаоли-ят олиб бормоқда. Мазкур таълим му-ассасалари куз-қиш мавсумига тайёрми? Шу саволга жавоб излаб тумандаги айрим мактабларда бўлдик.



Намунали мактабда муаммолар бор, бошқаларида-чи?

ҚАЛОВИНИ ТОПОЛМАЁТГАН ЎТ ЁҚУВЧИЛАРМИ ЁКИ МАСЪУЛЛАР?

Бешбола маҳалласидаги 51-мактаб тумандаги энг намунали таълим муас-сасаларидан бири. Мактаб 2018 йилда «Обод қишлоқ» дастури асосида 2,5 миллиард сўм маблағ эвазига капитал таъмирланган. 536 ўринга мўлжаллан-ган 2 қаватли замонавий бино, таълим муассасаси ҳовлисида экилган гул-ларни қўриб кўзингиз қувнайди. Аммо куз-қиш мавсумида синфхоналарни, айниқса спорт залини иситишда муам-молар борлиги аён бўлди.

Мактабда кўмир билан ишлайди-ган 7 та қозонхонанинг барчаси соз ҳолатда. Фақат иситиш қозонлари-га сифатли кўмир етказиб турилса қифоя. Бу ерда куз-қиш мавсуми учун 50 тонна ёқилги жамғарили-ши режалаштирилган. Шундан 20 тоннаси келтирилган. Аммо унинг асосий қисми кукундан иборат. Бу каби сифатсиз ёқилги билан куз-қиш мавсуми беталофат ўтиши мумкинми, деган саволга мактабнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбо-сари Нилуфар Раҳматовадан жавоб ололмадик. У “Тўғриси айтиб “кат-та”лардан бошим балога қолмасин”, деди, холос.

– Бу саволингизга мен жавоб берсам майлими? – деб сўхбатимизга қўшилди бир киши. – Мактаб коро-вулиман. Совуқ кунларда ўт ёқувчи-ларга ёрдамлашаман. Келтирилган кўмирнинг 60 фоизи кукун. Элакдан ўтказиб ишлатиладиган бўлса бу кў-мир бир ойгача етмайди. Ўтган йили ҳам худди шундай сифатсиз кўмир берилганди. Сектор раҳбарига бу му-аммо ҳақида мурожаат қилганимизда халқ таълими бўлими вакиллари шу кўмир билан ҳам иситиш мумкинли-гини, қаловини тополмаётганимизни айтиб, ўзимизни айблаганди. Кей-ин ўт ёқишни ўргатиш мақсадида қозонхоналар бўйича мутахассислар келди. Улар ҳам кун бўйи ури-ниб хоналарни иситолмагач, ҳақ эканлигимизга амин бўлди ва

мактабимизга икки юк машинасида сифатли кўмир келтирилди. Шундан кейингина хоналаримиз исий бош-лади. Мактабимизни таъмирлаган қурувчилар қозонхоналарнинг мўри-сини жойлаштиришда узоқни ўйла-маган. Мўрилар одатда бинонинг том қисмидан баландроқ бўлиши керак. Бизда аксинча бўлгани учун мўри-лардан чиқаётган иссиқлик, тутун ва учкунлар бино том қисмидаги тунука ва ёғочларга бориб урилади. Бу эса ёнгин хавфсизлигига зид.

Тумanning намунали мактабида шунча муаммо бўлса, бошқаларида шариот қандай экан, деб ўйлаиб турганимизда, қоровул амаки сўзини давом эттириб қолди:

– Мухбир укалар, ёзаман десангиз яна бир муаммомиз бор. Мактабда ўт ёқувчи бўлиб ишлашни ҳеч ким хохламайди. Чунки кунига 24 соат иш. Ҳар бир қозонхонага бир суткада 200 килограмдан, етита қозонхона бўладиган бўлса 1 тонна 400 ки-лограм кўмир ташиб, ўт ёқиб туриш керак. Ўтган йили уч нафар ишчи навбатчилик асосида шу юмуш билан шугулланди. Иши оғир, ойлик маоши эса 500 минг сўмдан зиёдрок.

НАЙМАНДАГИ МАКТАБ МУАММОЛАРИНИНГ ЯГОНА ЕЧИМИ – ЯНГИ БИНО

Тумanning энг чекка худуди - Найман маҳалласида 2002 йилда ҳашар йўли билан қурилган 320 ўринли мактаб бор. 20 та хонадан иборат бу пастқам бинонинг аҳоли анча оғир. 5 тонна кукунли кўмир келтирилганини ҳисобга олмасак, мактабда куз-қиш мавсумига тай-ёргарлик ишлари олиб борилмаган, деса ҳам бўлаверди.

Мактаб ўқитувчиларининг айтиши-ча, қурилгандан бери яқинда пандемия сабаб хоналари шамолатиш учун очилган дераза ромлари шишиб, қайта ёпилмай қолган. Айримлари чирий бошлаган. Бино ичкарасига киришин-гиз билан зах босган залга кўзингиз тушади. Биров сув селиб қўйгандек

гўё. Деворлар ёрилиб кетган. Зал ва хоналар шифти сарғайганига қараганда томдан чакка ўтади. Мавжуд 4 та исити-ш қозонидан 2 таси носоз.

– Қўриб турганингиздек биномиз ачинарли аҳволда, – деди мактаб директори Воҳид Мавлонов. – Им-кон қадар ўқувчиларимизга шариот яратишга ҳаракат қиляпмиз. Ёмғир ёғса мактаб тоmidан чакка ўтишини ўйлаб хавотирга тушамиз. Синган шиферларни алмаштиришга ҳаракат қиламиз. Маҳалламиз одамлари ёрдам қилишади. Кимдир янги, кимдир эски бўлса янги шифер кўтариб келади. Қо-зонхоналаримизнинг 2 тасида сувни айлантириш тизими яхши ишламайди. Хоналарнинг эшик ва дераза ромлари ҳам эскирган.

Бир сўз билан айтганда, ўқитув-чилар ҳам, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳам мактаб учун янги бино қурилишидан умидвор. Шунда-гина муаммолар бартараф этилиши мумкин.

ҚОҒОЗДА – ҲАММАСИ ЯХШИ. АМАЛДА-ЧИ?

Туман халқ таълими бўлимидан олинган маълумотларга кўра, айни пайтда Жомбойдаги 16 мактаб таби-ий газ билан, қолганлари эса кўмир билан истилади. Бу мактабларга 2020-2021 ўқув йили куз-қиш мав-суми учун 285 тонна кўмир ва 882 тонна кўмир брикети тарқатилиши режалаштирилган. Шу пайтга қадар режадаги кўмирнинг барчаси ва кўмир брикетининг 266 тоннаси таълим му-ассасаларига етказилган. Шунингдек, 24 та мактабга 300 метр квадрат ойна тарқатилган.

Бу рақамлар фақат қоғозда эмасми? Энг намунали, деб айтилган 51-мактабга шу пайтгача 50 тонна кў-мирнинг 20 тоннаси келтирилгани ва унинг ҳам асосий қисми кукунлигини эътиборга олсак, бошқа мактабларда вазият қандай экан?

Тўлқин СИДДИҚОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ, «Зарафшон».

7 НАФАР ШАХС

жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинди

Вилоят судлари раислари Оқдарё тумани халқ қабулхонасида фуқаро-лар билан учрашув, давра сўхбати ва сайёр қабулларни ташкил қилди.

Сайёр қабул жараёнида 31 мурожаат рўйхатга олинди. Хусусан, жиноят ишлари бўй-ича вилоят судига 7 мурожаат келиб тушган ва уларнинг барчаси ижобий ҳал қилинган. Яъни, 7 нафар шахс Жиноят кодексининг 73-моддасига асо-сан жазони ўташдан муддати-дан олдин озод қилинган. Фуқаролик ишлари бўйича 5 мурожаат рўйхатга олинди, мурожаатчиларнинг 3 нафарига

хуқуқий тушунтириш берилган, 2 нафарининг аризаси ишни кўриб чиқиш учун қабул қилинган. Маъмурий ишлар бўйича 17 мурожаат ижобий ҳал қилинган. Бу шахсларга нисбатан ишлар маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодекснинг 271-моддаси 11-бандига асосан тугатилган. Иқтисодий ишлар бўйича 2 мурожаат муаллифига хуқуқий тушунтириш берилган.

Ё.ГАДОВ.



Нарпай туманидаги “Мароқанд сифат” масъулияти чекланган жа-миятига қарашли Ойбек массивидаги 4-бригада далаларида терим ишлари қизгин.

– Жорий йилда 53 гектар майдонда фўзанинг “Бухоро-102” навини парваришладик, – дейди хўжалик иш юритувчиси Бахтиёр Ниёзов. – Мақсадимиз дашт худудидаги далаларнинг ҳар гектаридан 35 центнер-дан “оқ олтин” хирмони яратиш. Илғор теримчилардан Зухра Қўчқоро-ва, Нигора Очилова, Лобар Ниёзовалар кунига 150-180 килограмгача пахта термоқда. Ҳосилни йиғиштириб олиш учун теримчиларга барча шариот яратилиб, терим пуллари вақтида тарқатилмоқда.

Иzzатилла НОРҚУВВАТОВ олган сурат.

Форель балиқлари Булунғурда етиштирилади

Форель балиқлари бугунги кунда дунёда энг кўп истеъ-мол қилинаётган ва экспорт-боп балиқ тури саналади.

Жорий йилда вилоятимизда 45 миллиард 445 миллион сўмлик 30 та лойиҳани ишга тушириб, 30 минг тонна балиқ етиштириш режалашти-рилган. Ҳозиргача 3 та лойиҳа ишга туширилиши эвазига 8 та янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, Булунғур туманидаги “Булунғур феникс сервис” масъулияти чекланган жамияти томонидан Испани-янинг “Никами” фирмаси билан ҳамкор-ликда форель балиқлари етиштириш ва



уни қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. 30 миллиард 240 миллион сўмлик ушбу лой-иҳа тўла қувват билан иш бошлагач, 10 та янги иш ўрни яратилади ва экспорт-боп маҳсулот тайёрланади.

Маълумот ўрнида, вилоятда 458 та балиқчилик хўжалиги бор ва уларга 8 минг 972 гектар майдон ажратилган. Шундан 7 минг 479 гектари табиий ва 1 минг 493 гектари сунъий сув ҳавзалари.

Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси ахборот хизмати.

Инновацион жарроҳлик, янгича даволаш

Самарқанд вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази 500 ўринли марказ ҳамда вилоятнинг барча туманларида силга қарши кураш бўлимлари ва тоғ ён бағрида сил касаллигига ихтисослашган 270 ўринли болалар сиҳатгоҳини ўзида жамлаган.

Сил хасталигининг олдини олиш, эрта аниқлаш мақсадида барча туманларда хизмат кўрсатаётган ўрта тиббиёт ходимларининг 600 нафари онлайн ўқитиш тизими асосида малака оширди. Йил бошидан буён 700 нафар бемор сил касаллигидан соғайганлиги сабабли диспансер ҳисобидан чиқарилиб, умумий амалиёт шифокорлари назоратига ўтказилган. Шу йилдан бошлаб вилоятда силга қарши ишла-



тилаётган антибактериал дори воситалари ва қисқа муддатли инновацион даволаш курслари татбиқ этилди. Қатор давлатлар, ҳамкор ташкилотлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур даволаш курслари амалиётга татбиқ этилган, даволашни муддати илгариги 24 ойдан 9 ойга камайтирилди. Яқинда Германиядан замонавий бактериологик, микроскопик тиббий жиҳозлар, ўта тез



ва аниқ ишловчи рентген аппарати ўрнатилди. Марказдаги 100 ўринли жарроҳлик блокада кўкрак қафасидаги, суяк-бўғим патологиясидаги ва сил хасталигининг ўпка ташқи патологияларини радикал даволашда инновацион жарроҳлик амалиёти тизими йўлга қўйилган.

Тоҳир НОҲИЛОВ. Суратда: марказ фаолиятдан лавҳалар.

Ўткир юқумли вируслар келтириб чиқариши муқаррар бўлган хавф-хатар, фожиа-қурбонликлар хусусида дунё вирусолог олимлари, тиббиётчилар ўтган асрнинг 70-йилларида ҳам бонг уриб, дунё жамоатчилигини огоҳлантирган эди. Ўша даврда вирусолог олимлар болалар орасида эпидемия ўчоқлари пайдо бўлаётганлиги, шу эпидемия сабаб катта ёшли одамларни, болаларни изоляция қилиш, уйда узок муддат сақлаш хатарли эканини, бу болаларда нейроаллергия юзага келиши ҳақида таъкидлашганди. Аммо бу гаплар ҳам эсдан чиқди.



Кейинги пайтда хориж давлатларида коронавирус чақирган кавасаки хасталиги туфайли бемор болалар нобуд бўлмоқда. Бу оғир тур синдром болаларда руҳий танглик, бетокатлик, сиқилиш, жазавали депрессия, невроз чақиради, невротик-аллергик экзема-тоз, тери тошмаларини ҳосил қилади ва ўлим ҳолатини тезлаштиради. Турли вирусларнинг кўпайиши инсоният тарихида доим учраб турган. Ушбу балои офатлар ўз номи билан вирус. Унинг кушандаси, душмани – ҳам жисмоний, ҳам маънавий тоза-озодлик, поклик. Яйраб-яшнайдиган муҳити - кир-ифлос, заифмакон. Ҳар қандай вирус тажовузкорлиги, тезкорлиги, кўзга кўринмас жодуси билан омма орасида хавф-хатар, ҳадик, қўрқув уйғотади. Аммо унинг ваҳимаси касалликнинг ўзидан кўра ўн чандон хатарлидир. Афсуски, ваҳима инсонни турли

нотўғри йўллардан боришга ундайди. Бугун баъзи инсонлар яхши овқатланмиш керак, деган маслаҳатни бўкиб овқатланиш, деб тушунапти. Бу эса бошқа хасталикларни келтириб чиқаради. Ибн Сино жуда кўп хасталиклар сингари юқумлиларининг тарқалиши ва келиб чиқиш сабабларини уч қисмга бўлган. Биринчиси – кўп, тартибсиз овқатланиш бўлса, иккинчиси – камҳаракатлик, дангасалик, учинчиси – асабийлик, тажанглик, хавотир, қўрқув. Ана шу уч ҳолат организмни заифлаштириб, тез шомоллашга мойил қилади, киши нимжон бўлиб қолади. Шундай экан, ҳар қандай ҳолатда инсон ўзини ўта босик ва чидамли тутиши ҳамда санитария қоидаларига амал қилиши лозим. Муродим УМРЗОҚОВ.

Тўйлар ҳақида ўйланг!

Тўйларни ихчамлаштириш, камчиқим қилиб ўтказиш, ортиқча тадбирлар, яъни «юз очар», «келин салом», «чорлар», «чақирриқ», «талбон», «мучал тўйи», «бешик тўйи» ва бошқа шу каби маросимлардан воз кечиш мақсадида жойларда қатъий чоралар кўрилишига қарамасдан ўз билганидан қолмаётганлар учрайди.

Жорий йилги тўйлар мавсуми бошлиниш арафасида коронавирус инфекцияси сабабли карантин эълон қилинди ва кўпчиликнинг кўзи очилди, аммо... Карантин талаблари юмшагач, тўй-маросимларни 30 кишилик қилиб ўтказишга руҳсат берилди. Аввалига ёшлар ҳам, катталар ҳам вазиятни тушуниб, тўйларни ихчам қилиб ўтказишга кўнради. Аммо тўқликка шўхлик қиладиган айрим кимсалар эски одатларидан воз кечини истамаяпти. Кейинги пайтда тўйларда карантин талаблари унутилмоқда. Одамлар бир-бири билан қўчоқлашиб, ўпишиб кўришяпти. «Фалончининг тўйига 10 та «Каптив» келди», «Анави кўшнимиз эрталабдан кечгача тўй қилди», «Фалончи бизнесменнинг меҳмонлари 200 кишидан ошиб кетди, ҳеч ким индамади-ку», деган гаплар қулгоғимизга чалина бошлади. Бу каби ҳолатлар яна кимўзарчилик авж ола бошлаганидан дарак эмасми? Бу коронавирус деган балонинг кенг тарқалишига, юқумли касалликка чалиниб, шифохоналар беморлар билан тўлиб-тошишига, ўлим ҳолатлари кузатилишига сабаб бўлмаяптими? Нима учун биз қадри бўлган нарсаларнинг қадрига ўз вақтида етмаймиз? Наҳотки, яқиндагина фарзандларимиз билан оилаб кўчага чиқолмаган дамлар дарров ёдимиздан кўтарилган бўлса?! Ҳар бир инсон шу саволларни ўзига бериб, чуқур ўйлаб хулоса қилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Бозорбой ХИДИРОВ, Пайариқ тумани.

Инсон ҳайвонлар билан тиллашади

Японияда инсоннинг ҳайвонлар билан тиллашишига ёрдам берадиган электрон қурилма устида иш олиб борилмоқда. Аҳоли яқин 20 йил ичида ўзининг ит ва мушуклари билан бемалол мулоқот қилиш имконига эга бўлиши мумкин. Илгари Японияда бу борада 2040 йилгача илмий таҳминлар эълон қилинган "Оқ китоб" нашр этилганди. Унда одамлар ушбу муддатда уй ҳайвонлари билан сўзлашишни ўрганиши айтилганди. Бундай технологиялар нафақат ҳайвонлар билан алоқани таъминлаши, балки турли сабаблар билан сўзлашиш имкониятини йўқотган ёки туғма соқовлар билан гаплашишни тиклаш учун ҳам асқотади. Мисол учун, мияси фалажланган мижозлар бошига электрод ўрнатилади, у мия фаолиятини жонлантириб, фикрни экранда акс эттиради. Японлар бундай электрон қурилма билан хизмат итлари "жиҳозланса" улар табиий офатларда одамларни қутқариш, портловчи ва гиёҳванд моддаларни топишда қўл келишини айтмоқда.



Европа черковлари ўт ичида

Яқинда полиция 39 ёшли рус-андалик муҳожирни ҳибсга олди, у Франциянинг Нанти шаҳридаги авлиё Пётр ва Павел ибодатхоналарида ишларди. Волонтер черковга ўт қўйганини тан олди. Нантидаги фожиа бутун Европа учун долзарб бўлган муаммога эътиборни жалб этди. Фақатгина кейинги 15 йилда Францияда 30 та ибодатхонанинг кули кўкка соврилди, бошқа мамлакатларда бу рақам юзга етди. Насронийлар ибодатхоналарига нима бўляпти, нега бутун Европа бўйлаб улар бирин-кетин ёниб кетаяпти? Статистик маълумотларга кўра, фақатгина Францияда 2018 йил январдан 2019 йил апрелгача ибодатхоналарда (жумладан, Париждаги Биби Марям соборида) йигирмага яқин йирик ёнишлар рўй берди. Сабаби шундаки, Европада йилдан-йилга бирор динга эътиқод қилувчилар сони камайиб бормоқда. Буюк Британия ҳозирда атиги 40 фоиз, Францияда 34 фоиз, Швецияда ундан ҳам кам - 23 фоиз аҳоли ўзини динга эътиқод қўйган, деб ҳисоблайди. Черковлар эса, керагидан ортиқ, бўш-хувиллаб ётибди.



Асал – энг зўр дори

Асал нафақат табиий ширинлик, балки жуда кўп касалликларга қарши бебаҳо дори ҳамдир. Яна бу мўъжизавий восита қаршининг олдини олади. 111 йил яшаган Гиппократ, салкам тўқсон йил умр кўрган Пифагор ўзларининг узок умр кўрганликлари сири асал эканлигини таъкидлашган. Асалда инсон организмни учун зарур зиёд табиий моддалар бўлиб, улар юқумли микроблар, бактерияларни ўлдириш қобилиятига эга. Қадимги инсонлар ва римликлар жазирама иссиқда тез бузиладиган гўшт ва бошқа маҳсулотларни айнимаслиги учун асалда сақлашган. Асал салқин ва қоронғида сақланса, ҳеч қачон могорламайди, айнимайди. Фиръавнларнинг тобутида минг йиллар сақланган асални худди янгисидай бугун ҳам ейиш мумкин, дейди олимлар. Хуллас, шомолдингизми, иссингиз чикдими, грип бўлдингизми, томогингиз оғридими, нафасингиз бўғилдими, конингиз камайди-ми, чарчок, уйқусизлик безовта қиялтипти? Асални сутга аралаштириб ичинг, тезда соғайиб кетасиз, дейди мутахассислар.



"АиФ" (2020 й, 32-сон), "Мир новостей" (2020 й, 31-сон). Т.МУРОД тайёрлади.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбop / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ! Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги заҳира ерлари ҳисобига олинган: 1) МЧ "Янгиарик агротехсервис" агрофирмаси ҳудудидан жами 9,2 га. (шундан: 6,4 га. сувли, 2,2 га. узузмор, 0,3 га. ариқ ва зовурлар, 0,3 га. йўллар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2020 йил 20 октябрга қадар қабул қилинади. 2) МЧ "Янгиарик агротехсервис" агрофирмаси ҳудудидан жами 7,6 га. (шундан: 7,3 га. сувли, 0,2 га. ариқ ва зовурлар, 0,1 га. йўллар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2020 йил 28 ноябрга қадар қабул қилинади. **Манзилимиз: Самарқанд тумани Гул-обод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.**

ДАЪВОЛАР БЎЛСА
Жомбой туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорларига асосан қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлар:
1. "OZODA FAYZ" оилавий корхонаси (СТИР: 303315221) 2019 йил 23 декабрдаги 4-1404-1902/2219-сонли ҳал қилув қарорига асосан;
2. "XUSNIDDIN-MUHAMMADJON" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305729582) 2019 йил 23 декабрдаги 4-1404-1902/2222-сонли ҳал қилув қарорига асосан;
3. "LINZA CAPITAL LYUKS" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 300544518) 2019

йил 23 декабрдаги 4-1404-1902/2223-сонли ҳал қилув қарорига асосан;
4. "SARVINOZ-RAYXONA-MUNAVVAR" хусусий корхонаси (СТИР: 305307206) 2019 йил 23 декабрдаги 4-1404-1902/2221-сонли ҳал қилув қарорига асосан тугатилмоқда.
Шунингдек, ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг думалоқ муҳри, бурчак тамғаси, низоми ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2018 йил 26 июлда 625046 реестр рақами билан рўйхатга олинган «TRIDEVATYOYE SARSTVO» нодавлат таълим муассасаси (қисқартирилган номи: «TRIDEVATYOYE SARSTVO» НТМ) муассаса таъсисчисининг 2020 йил 9 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.
Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.
Муассасанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 51-уй.
Муассасанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305670209.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Усмонов Ботир Ашуровичга (2018 йил 29 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши

очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасида марҳум Мелибаев Данабай Мелибаевичга (2017 йил 20 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи Сарой кўчаси.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Саидов Салимхан Салихановичга (2020 йил 29 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахронов Жамшид Кулдошевич нотариал идорасида марҳум Дустаматова Майрамга (2020 йил 3 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар-

нинг Бахронов Жамшид Кулдошевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 90-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Зокиров Бехзод Низомидиновичга (2020 йил 2 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улўбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд давлат университетидан 2007 йилда Очиллова Дилноза Мусирмоновна номига берилган рўйхат рақами 1533, В № 320004 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшработ туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Очиллова Хадича Сахридин қизи номига берилган УМ № 0145407 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент фармацевтика институти қошидаги академик лицейдан 2015 йилда Максумова (ҳозирда Мусаева) Гўзалой Сайд Акрам қизи номига берилган L № 254642 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 41-ўрта мактабдан 1996 йилда Мирзоева (ҳозирда Мўминова) Дилдорой Музаффархўжа қизи номига берилган UZA № 007510 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Садриев Сухроб Собирович номига берилган U № 5344132 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация коллежидан 2015 йилда Садриев Сухроб Собирович номига берилган рўйхат рақами 18361, К № 3808672 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 41-ўрта мактабдан 1993 йилда Дадақобилова Наргиза Нуруллаевна номига берилган ВУ № 238371 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд санъат коллежидан 2017 йилда Ўринов Шахобиддин Эшқовул ўғли номига берилган рўйхат рақами 1249, К № 0297919 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан 2009 йилда Мамадалиев Илҳом Бахронович номига берилган рўйхат рақами 3196, К № 1275103 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ШАХС ВА ЖАМИЯТ

АМИР ТЕМУР тобути қаерда?

18 октябрь – Самарқанд шаҳри куни

Самарқанд давлат меъморий-бадий музей кўриқхонаси юртимиздаги қадимий музейлардан ҳисобланади. 1896 йилда ташкил этилган музей коллекцияларидаги ҳунармандчилик ва санъат ашёлари Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларидаги бадий маданиятни қамраб олади. Дастлабки йилларда музей фондида 150 мингга яқин турли ашёлар сақланган. Уларнинг асосий қисми қадимий Самарқанд - Афросиёбдан топилган археология ва нумизматикага тегишли бўлган. Бугунги кунда музейнинг бой бўлимларидан бири Темурийлар даври бўлидир. Ушбу бўлимда жами 308 та экспонат сақланади. Улар орасида кўлэмалар, Амир Темур тобути, қошин парчалари, қуш тасвири, исмиий нақшли сопол идишлар, ўйма эшик, шиша буюмлар мавжуд.

Самарқанднинг хушманзара бир бурчагида, XX аср бошларида тегишли эклектика усулида машҳур меъмор Е.Нелле лойиҳаси асосида қурилган, савдогар Абрам Калантаровга тегишли бўлган қадимий ҳовлида 1981 йил вилоят ўлкасони музей бўлган. Музейнинг биринчи қаватидаги экспозиция ўлканинг қадимий даврдан XX аср бошигача бўлган ривожланиш тарихини тасвирлайди. Ислол тикланиши даври экспозициясида Юнонистон қизил шишасидан қилинган идиш қолдиқлари, Эроннинг Рея шаҳридаги лой қандил, сероб тангалари кўриш мумкин. Экспозицияда мўғуллар найзаларининг қиллари, Чингизхон томонидан харабага айланган Самарқанд кўргони сурати ҳам мавжуд. Музейда Амир Темур ҳамда темурийлар ҳукмронлиги даври қазилма материаллари бор. XIII-XV

асрларга тегишли тангалар ўша давр ҳунармандчилиги, карвон савдолари, темурийлар ва Улуғбек даври савдо-пул муносабатларини намоян қилади. Шунингдек, бу ерда XV-XVI асрларга оид жанг ва намойиш дўмбраси, 1678 йил Амстердамда нашр қилинган Де Санктеннинг "Темур тарихи" номли ноёб китобини кўриш мумкин.

"Афросиёб" Самарқанд шаҳар тарихи музейи 1970 йилда ташкил этилган. Музей Афросиёб шаҳарчасида - Самарқанднинг қадимий, мўғуллар стилосигача бўлган қисмида жойлашган. Музей экспозиция залларида миллоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридан XIII асрнинг бошларигача бўлган шаҳар тарихини ёритувчи экспонатлар мавжуд. Самарқанд икки минг йил давомида (Сўғд ёки Сўғдиёнаннинг) марказий шаҳри

Байрам
кунда тарихий
обидалар ва музейлар
БЕПУЛ
хизмат кўрсатади.

бўлиб, музейда намойиш этилаётган экспонатлар унинг юқори даражадаги маданий, сиёсий, диний ва иқтисодий ҳаётини яққол тасвирлаб беради. Музейда кўхна кентнинг моддий маданиятини ёритувчи сопол, шиша, тош, металл, суюқ, коралистика ва меъморий нақшлардан иборат бой тўпламлар сақланади. Булар қарийб 20 мингдан ортиқ осори-атиқаларни ташкил қилади. Бу экспонатларнинг асосий қисми музейнинг 11 та залидан иборат экспозицияларида намойиш этилиб, қолган ёрдамчи материаллар музей фондларида сақланмоқда. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилеи муносабати билан музейнинг иккинчи қават экспозиция заллари тўлиқ қайта ишга туширилган.



Г.СУЛТОНОВА,
СамДУ тасвирий санъат кафедраси ўқитувчиси.

«Оз яхши – кўп ёмондин яхши» деган эди Низомий Ганжавий. Озгина бўлса ҳам бир-биримизга яхшилик қилайлик. Эҳтимол, шунда билиб-билмай қилган ёмонлигимиз ювилиб кетар. Бироқ яхшилик ҳаммининг кўлидан келавермайди. Фақат яхши одамгина яхшилик қила олади.

«...Нимани ўзингга кўрурсан раво»

Хўш, яхши одам деб кимларни айтамеиз? Бу ҳақида ҳадисда шундай дейлади: «Нуксонсиз бўла туриб камтарин, ўзини ўта мискин тутмаган ҳолда паст тутувчи, ҳалол йўл билан тўплаган молларидан эҳсон қилувчи, ифбатли, илм аҳли билан аралашиб юрадиган, мискин ва бечораларга раҳм қиладиган одамга кўп яхшиликлар бўлув. Ўзини камтарин олиб юрувчи, ҳалол касб қилувчи, қалби пок, кўриниши ёқимли одамларга ўз ёмонлигини етказмай юрадиган кишилар нақадар яхши. Илмга амал қиладиган, ортиқча дунёсидан хайр-у эҳсон қиладиган, беҳуда гапдан тилини тиядиган кишилар нақадар яхши кишилардир».

Орамизда шундай одамлар борми? Бор! Яхши одамлар кўп. Уларнинг яхшиликлари туфайли ёмонларнинг ёмонликлари ювилиб туради. Акс ҳолда дунёни зулмат ва ёвузлик қоплаган бўларди. «Ҳар кимдаки бўлса яхши табиат, одамийлик юксак унга ниҳоят» деган эди Хисрав Дехлавий. Демак, яхши инсон бўлишимиз учун одамийлигимиз юксак бўлиши керак. Одамийлик барча салбий хислатларни инкор этади. Айниқса, шахсий манфаат устунлигини. Ҳар қандай вазиятда ва ҳар қандай ҳолатда фақат шахсий манфаатини кўзлаб

иш кўрадиган, фикрлайдиган, хулоса чиқарадиган инсон ҳеч қачон яхши одам бўлолмайди. Чунки улар бошқаларнинг манфаатига зарар еткази. Бу ерда биргина моддий манфаатни тушунмаслик керак. Инсоннинг манфаати учун ҳизмат қилиш демакдир.

Демак, яхшиликнинг чегараси йўқ экан. Яхшилик ошкор қилинмайди.

Биз баъзан шахсий манфаат деб мунофиқлик, хиёнат, фитна, фисқ-у фасод йўлига қирамиз. Яъни моддий бойлик, мансаб, мартаба, шуҳрат, сохта обрў илинжида диёнатсизлик қиламиз, ҳар хил ҳийлаларни ишлатиб, бировнинг «тағига сув қуямиз». Яхши одамлар ҳеч қачон бундай қилмайди. Яхшилар сизга қанчалик хузуру бағишласа, ёмон одам билан бирга бўлиш ёки ишлаш сизга шунчалик ташвиш келтиради.

Биз яхшидан ибрат олсак, яхшилар сафидан жой оламеиз. Ана шунда нафақат ўзимизга, балки бошқаларга ҳам эзгуликни раво кўрамеиз. Зеро, буюк донишманд Жалолиддин Румий айтганидек:

*Нимани ўзингга кўрасан раво,
Шуни ўзгаларга йўлла доимо.
Неким истамасанг, яхшими-ёмон,
Бошқага ҳам раво кўрма, эй инсон.*
Абдуазиз ҲОШИМОВ.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

- 10 ОКТАБР**
Мубарро ИСМОИЛОВА – 1953 йилда Ургут туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.
- Аҳмаджон ҚУРБОНОВ** – (1921-1945) Жомбой туманида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Қаҳрамон.

- Моҳира МАДИРИМОВА** – 1950 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.
- 11 ОКТАБР**
Шавкат ВОҲИДОВ – (1932-2008) Самарқанд шаҳрида туғилган. Академик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, физик-олим.



2021 йил учун обуна бўлишга шошилинг!

АЗИЗ ДЎСТЛАР! ВИЛОЯТ «МАТБУОТ УЮШМАСИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ



Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг вақтли матбуот нашрлари (газета-журналлар)га 2021 йил учун обуна қабул қилиш ва расмийлаштириш бошланганлигини маълум қилади.

Обунани Сиз нақд ҳолда, пул кўчириш йўли билан ва пластик карточкалардан тўлаш, «Матбуот уюшмаси» МЧЖнинг барча туман, шаҳар участкаларида, «Матбуот» киоскаларида, корхона, муассаса, ўқув юртлари жамоатчилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий тадбиркорлар ва жамоатчи тарқатувчилар орқали ҳамда Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 84-уйда жойлашган «Матбуот уюшмаси» МЧЖ бош офисида (мўлжал — авиакасса) ҳар куни (шанба ва якшанба кунлари ҳам) соат 8:00 дан 19:00 гача расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат
учун телефонлар:
(0366) 234-22-53,
234-94-37, 234-93-96

Бизда газета ва журналларга обуна фуқароларнинг иш (ўқиш) жойига, уй манзилига яқин жойлашган «Матбуот» киоскасига етказиш шarti билан расмийлаштирилади.

Жамиятимизда Сиз Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг вақтли матбуот нашрларига ҳамда вилоятимиз газеталарига обуна бўлиш имкониятига эгасиз.

Биз Сизга газета ва журналларни етказиш бўйича энг маъқул нархларни таклиф этамеиз.



«Матбуот уюшмаси»
МЧЖнинг барча ходимлари
Сизга намунали хизмат
кўрсатишга тайёр!

Хизматлар лицензияланган.

<p>Zarafshon САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК</p>	<p>© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳоқимлиги</p>	<p>Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 9 656 нусхада чоп этилди. Буюртма 591 Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.</p>		<p>КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-66. МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи. Газета "Зарифшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: Ё.МАРҚАЕВ. Навбатчи: Г.МЎМИНОВА. Саҳифаловчи: О.НАЗИРОВ. Сотувда нархи келишилган ҳолда</p>	<p>ISSN-201667X 9 772010 1667009</p>
---------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------